



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ОДАМ САВДОСИГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

А.У.Қўлдошев

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17866197>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 05-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 09-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

ички ишлар органлари, одам савдоси, хуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳамкорлик.

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органларининг одам савдосига оид хуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган

Юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизини хуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, инсон хуқуқларини самарали таъминлаш, жамият ижтимоий ҳаёти иштирокчиларини турли таҳдидлардан муҳофаза этиш ташкил этмоқда ва ушбу йўналишдаги ишларда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Жумладан, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ва ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”¹ги ПФ-60-сон Фармонида ҳам белгилаб берилган эди.

Дарҳақиқат, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

бошқариш органлари худудларида осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини турлли ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза этиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам “Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва албатта шундай бўлади”² деб таъкидлаган эди. Хусусан, ушбу вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсиз-лиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги ПФ-27-сон Фармонини қайд этишимиз мумкин. Мазкур Фармон билан тасдиқланган Концепциянинг 3-бандида жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барвақт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузар-ликларга қарши курашиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги “Ахборот асри” номини олган XXI асрда ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, дунёдаги трансмиллий ҳуқуқбузарликларнинг энг хавфлиси ва жирканчи бўлган одам савдоси ҳуқуқбузарлиги авж олмоқда. Хусусан, меҳнат миграцияси, ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган шахслар учун қўл келмоқ деб қайд этишимиз мумкин. Сабаби, ижтимоий тармоқларда пайдо бўладиган турли хил юқори даромадли иш борлиги ҳақидаги таклифлар, илгари ўзаро танишиб, учрашиб, турли алдов йўллар билан ишга ёллаш каби ҳолатлар ўрнини эгаллаб, “одам савдоси” ҳуқуқбузарликларининг “ривожи”ни янада тезлаштирамоқда.

Айтиш мумкинки, одам савдосига оид ҳуқуқбузарликлар аввало, инсон ҳуқуқлари, яъни, инсонларнинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Одам савдосига оид ҳуқуқбузарликлар ортида аслида мажбурий меҳнат, қуллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради. Хусусан, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларацияси”да “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир. Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади”⁴ деб

²https://uza.uz/uz/posts/qonunga-bepisand-qarab-davlat-va-zhamiyatga-zarar-etkazadiganlar-zhazosiz-qolmaydi_550884.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10

белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида эса, “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”⁵ деб, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»⁶ги ЎРҚ-633-сон Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 135-моддасида “Одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш”⁷ жиноят сифатида эътироф этилиб, тегишлик жавобгарлик қайд этилган.

Айтиш мумкинки, “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноят чегара билмаслиги сабабли, мамлакатимизда ҳам ижтимоий ҳаёт субъектларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Хусусан, баъзи юртдошларимиз қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишни кўзлаётган айрим ғаразгўй кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолиб, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг қурбонига айланиб қолмоқда.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, одам савдосига оид ҳуқуқбузар-ликлар профилактикасини амалга оширишда асосий эътиборни **ички ишлар органларининг** фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигига **қаратиш** ижобий самара беради. Сабаби, **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** шундай ижтимоий ва маънавий кучки, унинг **ҳудудида** оила ва инсон обрўси йиллар давомида қатра-қатра йиғилади, аммо инсонни ёки оила обрўси бир кунда чилпарчин бўлиши мумкин, шу сабабли маҳалла институтидан оилаларни турли хил **ҳуқуқбузарликлар профилактикасида** фойдаланиш мақсадга **мувофиқдир**. Хусусан, ҳеч бир инсон ўзи **истиқамат қилаётган** маҳалласида обрўсини тўкилишини ёки шарманда бўлишини истамайди. Маҳаллий **урф-одат нормаларида** “маҳаллада номимиз чиқиб кетмасин” деган андиша мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”⁸ги Қонунида ҳам одам савдосига қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғриси-да”⁹ги Қонунининг 11-моддасида ички ишлар органларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра ички ишлар органлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди, оммавий ахборот воситалари иштирокида аҳоли ўртасида одам савдосига

декабрда қабул қилинган ва эълон қилинган.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ЎРҚ-633-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғриси-да”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумот-лари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

қарши курашиш бўйича тушунтириш-профилактика ишлари мажмуини амалга оширади, одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташки-лотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари тўғрисида”¹⁰ги Қонунининг 13-моддасида “фуқаролар йиғини кенгаши тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат хавфсиз-лигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади” деб белгиланган бўлиб, мазкур қонунда тўғридан-тўғри ички ишлар органлари билан одам савдосига қарши курашиш ва ушбу жиноятни олдини олиш белгиланмаган бўлса-да, лекин, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”¹¹ги Қонуннинг 11-моддасида ички ишлар органлари билан одам савдосига қарши курашишдаги ҳамкорлиги қонуний тартибда белгилаб берилган.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркин-ликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, шу жумладан, одам савдоси-дан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”¹²ги қонунда асосий вазифаси этиб белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, қайд этилган норматив-ҳуқуқий асослардаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратида ва Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ички ишлар бош бошқармалари ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларида “Одам савдосига қарши курашиш” бўлимлари ташкил этилган ва улар томонидан бугунги кунда бевосита одам савдосига қарши курашиш фаолияти амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги ҳамкорлигидан кўзланган асосий мақсад – жамият манфаатларига хизмат қилишдан иборатдир¹³. Шу билан бирга, Жамоатчилик асосидаги ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг асосий шартларидан бири эса, ўзаро келишилган ҳолда хизматни ташкил қилишдан иборатдир. Холбуки, ҳеч қайси давлат идораси ёки ташкилоти бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил этмасдан, фақатгина ўз ички имкониятлари доирасида фаолиятни самарадорлигини таъминлай олмайди¹⁴. Ички ишлар органлари ҳам ўз зиммасига юклатилган

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзи ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹³ Меньшикова Н. С. Партнерская модель взаимодействия государства и гражданского общества: содержание, признаки и условия создания // Вопросы государства и права: сборник научных трудов / Под общ. ред. Л. В. Карнаушенко. Вып. 2. Краснодар: Краснодарский университет МВД России, 2016. С. 82–91.

¹⁴ Бобохонов А.А. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги // Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини

вазифаларни амалга оширишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши табиий заруриятдир, зеро Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисидаги”¹⁵ги қонунида ушбу ҳамкорлик қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган”.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ҳамкорликда фуқароларни одам савдоси жиноятининг қурбонига айланмаслиги учун тегишли профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ва жойида амалга оширишлари ҳамда ҳудудларидаги аҳолини одам савдоси қурбонига айланишининг сабабларини таҳлил қилган ҳолда, профилактик чора-тадбир-ларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бугунги кунда фуқароларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлигидан, баъзи фуқаролари-мизда тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжининг мавжуд-лиги ёки енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга эмаслиги, айрим нопок ҳамюртларимизнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари, жиноятдан жабрланганларнинг дунёқарашининг торлиги, сайёзлиги, етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилмаётганлиги ва бошқа шу каби омиллар ушбу турдаги ҳуқуқбузарликлар қурбонлари кўпайишига замин яратмоқда. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун эса, ёки бошқача айтганда, фуқароларимизни одам савдосига оид ҳуқуқбузарликлар қурбони бўлмасликлари учун ички ишлар органлари ходимлари маҳалла раислари билан ҳамкорликда профилактик-тушинтириш ишларини амалга ошириши лозимдир.

Шу билан бирга, одам савдосига оид ҳуқуқбузарликлар **профилак-тикасида** ички ишлар органлари ходимлари **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан кўпроқ** жиддий эътиборни бола савдоси билан **боғлиқ ҳуқуқбузарликларни** аниқлаш ва унга қарши курашиш масаласига қаратишларини лозим деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, одам савдосига оид ҳуқуқбузарликларни содир қилиб, суриштирув ва тергов органларидан ҳамда суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топишда ички ишлар органлари ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишлари ўзининг ижобий натижасини беради. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги одам савдосига оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ижобий самара беради.

таъминлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 11.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.